

МИЛЛИЙ ХАРАКТЕРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Жиззах давлат педагогика институти
ўқитувчиси Б.Норбекова

Аннотация: Мақолада миллий характер ва миллий ўзликни англаш ҳамда уни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари хақида фикр юритилган. Шунингдек, миллий характернинг илмий-назарий асослари баён этилган.

Аннотация: В статье рассматриваются национальный характер, понимание национальной идентичности и социально-психологические особенности ее формирования. А также, описаны научно-теоретические основы национального характера.

Annotation: The article examines the national character, understanding of national identity and socio-psychological characteristics of its formation. And also, the scientific and theoretical foundations of the national character are described.

Маълумки, жаҳон таниган аждодларимизга лойиқ, собитқадам, юксак маънавиятли миллий характер ва туйғуларга эга бўлган баркамол инсонни тарбиялашда жамият ривожланишига монанд ўзгаришларнинг психологик табиатини англаш ва уларга мос келадиган чора-тадбирларни аниқ белгилаш катта аҳамиятга эгадир. Чунки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, баркамол шахс камолоти учун яратилаётган шарт-шароитлар унинг ўзлигини англаш, миллий ғурур ва ифтихорга эга бўлган ҳамда ўз устида чуқур ишлаган тарзда Ватан равнақи ҳамда юрт тараққиёти учун сидқидилдан меҳнат қилиш мақсадида бутун имкониятларини, ақлини сафарбар этишга ундайди.

Бугунги кунда миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор тушунчаларини ёшларда шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг том маънодаги моҳиятини эса мактаб ўқувчилари

чукур англаб етишлари давр талабидир. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, қалбида Ватанга муҳаббат, унинг келажагига ишонч, миллий ифтихор туйғуси жўш урган шахс сифатида тарбиялаш тарбиялаш иши эса оилаларда тарбияланаётган болалар ва ўсмирларни тарбиялашнинг энг самарали усуллари амалиётга жорий этиш ҳамда шу орқали миллатимиз равнақиға хизмат қилувчи миллий истиқлол ғоясини онгга сингдиришга оид муҳим қонуниятларни билиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиқиб, куйида болалар ва ўсмирларда миллий характерни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, халқнинг бутун тарихи давомида орттирган ҳар бир миллий характер хислатларининг вужудга келиши кишилар руҳиятига атрофдаги воқеликларнинг узок вақт давомида таъсир этиб туриши билан боғлиқдир. Миллий ўзилкни англашга қандай руҳий хислат ва сифатларни киритиш мумкин? Бу борада шуни таъкидлаш керакки, “Миллий характер” тушунчаси ҳақида ҳали ҳам умумий бўлган бир хил қараш мавжуд бўлмаса ҳам, лекин унга кирувчи хислатлар тўғрисида умумий бўлган фикрлар мавжуд. Кўп тадқиқотчилар миллий характерга, меҳнатга муносабат (меҳнатсеварлик,) ватанпарвалик, эрксеварлик, жанговарлик, довюраклик каби хислатларни киритишади.

Назаримизда, юқоридаги хислат ва сифатлар билан бир қаторда миллий характер таркибига яна миллатнинг ақл тузилиши, бошқа халқларга бўлган муносабати ва шу миллат вакиллариининг ўзаро муносабатларини белгиловчи хусусиятлар ҳам киради.

Халқларнинг турлича характер хислатларига эга бўлиши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тажрибаси, тарихий тараққиёти ва табиий яшаш шароитлари билан белгиланади. Бунда ижтимоий муносабатлар миллий характернинг шаклланишида катта ўрин тутаяди. Ҳар бир тарихий давр, шу даврдаги ижтимоий тараққиёт қонуниятлари асосида миллий мафкура манфа-

атларига мос бўлиб тушадиган ўз миллий ҳарактер идеалини яратади. Шу даврдаги характер типи кишиларнинг яшаш тарзини акс эттиради [1].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллий характерни мутлоқлаштириб юбориш, албатта, нотўғри. Бошқа халқларда ва миллатларда учрамайдиган, фақат бир халққагина хос бўлган соф миллий характер умуман табиатда учрамайди.

Ҳар бир халқ бутун хусусиятлари билан олингандагина ва бетакрор бўлиб кўриниши мумкин..., унинг ҳар бир этник хусусияти алоҳида олиб кўрилса, мутлоқ ноёб хусусият бўла олмайди. Миллий характер муаммосини ўрганишдаги мураккаблик ва чалкашликлар тўғрисида фикр юритган И.С.Кон, кўпинча диалектикадаги умумийлик ва хусусийлик, муштараклик ва алоҳидаликни тушунмаслик натижасида вужудга келади дейди. Унинг таъкидлашича, миллий характернинг у ёки бу хусусиятини кўрсатганда, албатта у нисбатан олиб ўрганилиши керак. “Рус миллий характерига бағишланган ишларда, - деб ёзади И.Кон, - кўпинча уларда эмоционал вазминлик, деб аталадиган хислат кўрсатилади. Агар итальянлар билан таққосланганда тўғри, кўшилама. Лекин фақат финлар ёки эстонлар билан таққослаганда эмас” [3].

Албатта, рус халқига хос бўлган миллий характер хислатлари йўқ эмас. Россиянинг бепоён ерлари, айрим бошқа мамлакатларда бўлганидек, сиёсий парчаланишларнинг йўқлиги, хўжалик тараққиётидаги ўзига хос хусусиятларнинг барчаси, Герцен айтганидек “айш-ишратни яхши кўрадиган, бағри кенг” рус кишисини, якка хўжалик юргизишга мойил бўлмаган, бир парча ерига ёпишиб олмаган рус деҳқонини яратди.

Аксинча, ўзбек халқи характерида бир қарич ерига ёпишиб олишлик, “киндик қони тўкилган” ерни тарк этмаслик хусусиятлари бор. Бу характер хусусиятларининг вужудга келиши ўзбек халқи тарихий тараққиётидаги ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ. Масалан, Марказий Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган бир неча феодал давлатлар, хонликларнинг сиёсий-иқтисодий жиҳатдан парчаланганлиги, улар

Ўртасидаги тез-тез бўлиб турадиган қонли тўқнашувлар, хўжалик юргизишдаги патриархал усулларнинг мавжудлиги, уруғ - аймақчилик урф-одатларининг сақланиб қолиши ва ниҳоят деҳқончилик қилиш учун суғориладиган, яроқли ерларнинг чекланганлиги каби омиллар, ўзбек халқи характеридаги шу хислатларни вужудга келтириб чиқаради.

Ўзбек оилаларида бир неча авлод вакиллари (хатто 3-4 авлод) биридан ажралмаган ҳолда, биргаликда-бир ҳовлида, бир маҳаллада яшаб бир қозондан овқат еб келишган. Шунинг учун илгарилари мавжуд бўлган катта оила ичида, бир неча авлод вакиллари яшаётганлигини учратишимиз мумкин. Оила бошлиғи бўлган ота ўғилларини уйлантиргандан кейин ҳам узоқ вақт уларни мустақил оила қилиб ажратиб юбормаган.

Янги оила қурган ўғил, катта оила бошлиғи бўлган ота қўл остида ишлаб хўжалик юргизиш ишларида унга ёрдам берган. Агар янги оила ота-она бағридан ажралиб чиққан тақдирда ҳам, улар оиласи учун ота унча узоқ бўлмаган жойдаан ҳовли ёки ер сотиб олиб берган, ёхуд ўз еридан уй қуриш учун жой ажратиб берган. Янги оиланинг кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган уй буюмлари, ажратиб берилган. Лекин шунда ҳам ота ўз ерини парчаланиб кетишига йўл қўймаган. Ўғил ота қўл остида унинг ерида ишлаган, хўжалик юргизишда отага ёрдам бериб келган. Бунинг боиси нимада, нима учун Ўрта Осиё халқларида, хусусан деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларда патриархал муносабатлар оила ва хўжалик юргизиш соҳаларида нисбатан узоқ сақланиб турди?

Маълумки, суғориб деҳқончилик билан шуғулланувчи халқларда, айниқ-са, Ўрта Осиё шароитида ер жуда катта иқтисодий аҳамият касб этади. Қишин-ёзин ҳам катта куч билан ишлашни талаб қиладиган шароитда ишчи кучлари ва ернинг парчаланиб кетишлиги, ерни ишлаш, ҳосил олишликни анча қийнлаш-тириб қўйган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ўтроқ халқларида жуда катта, хатто уч-тўрт авлод вакилларини ўзида бирлаштирган оилалар мавжуд бўлган. Фарзандлар оила бошлиғи қўл остида ишлаб унга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлишган. Ота ёки оиладаги бош ўғил

бу оиланинг бошлиғи бўлган. Унинг сўзи, фикри оиланинг бошқа аъзолари учун қонун даражасида бўлган.

Хўжалик юргизишда бундай патриархал уклад ҳоким бўлган халқларнинг деярли ҳаммасида, оила бошлиғини, катталарни ҳурматлаш, уларнинг айтганини тўхтовсиз бажарилиши одат тусини олган ва кейинчалик у мустаҳкамланиб халқнинг характер хислатига айланиб кетган.

Оила иерархиясидаги ўзаро муносабатларда маълум ёш гуруҳидаги ҳар бир киши, албатта ўзидан юқори ёшда турган кишиларга итоат этган, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилган. Бу албатта йирик оилаларнинг биргалашиб яшаш зарурати мавжуд бўлган шароитларда уларнинг парчаланиб кетмаслиги учун катта аҳамият касб этган.

Бундан ташқари ўзбекларда ака-укалар ёки қариндош-уруғлар ўртасидагина эмас, шунингдек, қўни-қўшнилар билан ҳам яхши муносабатлар, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик кўрсатиш каби хислатлар анча ривожланган.

Қадим вақтлардаёқ бир уруғ ёки қабила бир маҳалла ёки бутун бир қишлоқда биргаликда яшаган. Камдан-кам ҳоллардагина бегона уруғ ёки қабила вакили нотаниш жойларга кўчиб борган. Ҳозир ҳам кўп қишлоқларда маҳаллалар қариндош-уруғчилик тамойили асосида шаклланади. Демак, ён қўшни айни вақтда сизнинг яқин қариндошингиз ҳамдир. Шунинг учун қадим вақтлардаёқ бир оилада овқат пиширилса - албатта қўшниқига, қариндошниқига чиқарилган қўшнининг яхши қунида ҳам, азиятли қунида ҳам биринчи бўлиб девормиён қўшни хизмат қилади. Қўшнининг уйидаги маракага қатнашмаслик, айниқса, тазияли маросимларда иштирок этмаслик, ўзбеклар учун катта айб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизда қўшни тўғрисида жуда образли мақоллар яратилган, “ҳовли олма, қўшни ол”, “узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши”, “ён қўшним - жон қўшним” ва ҳақозо.

Бундан ташқари миллий табиатимизда ўзаро меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ор-номус, шарму - ҳаё, ибo-иффат каби бетакрор фазилатлар, бағри кенглик, меҳмондўстлик, оқ-қўнгиллилик хусусиятлари мавжуд.

Бундай ҳамжихатлик, бир-бирини қўллаб туришлик фақат қўшнилар ўртасидагина бўлиб қолмасдан, бутун маҳалла ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ҳам кучли ривожланган. Маҳалла ёки қишлоқ аҳолиси бирор хонадонда аза борлигини эшитиб қолса, вафот этган кишини яхши таниш-танимаслигидан катъий назар, марҳум билан видолашмоқ учун вақтини аямасдан, юмушини ташлаб бўлса ҳам марҳумнинг уйига келиб, ҳамдардлик билдиради, қўлидан келган ёрдамни кўрсатади. Марҳумнинг тобути мазорга боргунча елкама-елка кўтарилиб борилади. Йўлда учраган ҳар бир киши - у отда бўлса ҳам, машина-да бўлса ҳам тушиб бир неча қадам тобутни кўтаришиб боришни ўзининг инсонийлик бурчи, деб ҳисоблайди.

Қўни-қўшни, маҳалла - куйни ва ҳамқишлоқларнинг бундай бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаб туришлари, бир-бирларининг манфаатларини ҳимоя қилишлари кишиларнинг узок даврлар мобайнида биргаликда яшаб келиши, маҳалла ва қишлоқ аҳлининг бир-бирларига қариндош-уруғчилик иплари билан боғланганликлари натижасидир.

Ўрта Осиёда кичик-кичик ўзига мустақил бўлган хонликларнинг мавжудлиги, йирик бирлашган ҳокимият томонидан мамлакат миқёсида маъмурий, хўжалик ишларини режали ривожлантирилмаслиги, натижасида, кўп йирик хўжалик ишлари - канал қазиб сув чиқариш, ариқларни тозалаш, мачит ва бошқа биноларни қуриш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва шунга ўхшаш кўпчилик меҳнатини талаб қиладиган ишларни халқ ўзи “ҳашар” ёрдамида бажарган. Шунинг учун маҳаллада ва қўшнилар орасида бўлиб турадиган ҳашарларга чиқиш ҳар бир кексаю ёшнинг муқаддас бурчи ҳисобланган.

Миллий характери халқ ўзида намоён этади. Лекин миллат характери айрим шахслар характерининг оддий йиғиндиси эмас. У оммавий феномен сифатида, индивидуал характерларнинг умумий бўлган хислатлари

ижтимоий жиҳатидан қайта ишланиб, янги, махсус сифатга айланган вақтда таркиб топиб намоён бўлади. Масалан, хор овози ҳеч бир хор катнашчисининг овозига ўхшамаганидек, миллий характер ҳам бирорта миллат вакилининг характериға ўхшамайди ёки миллат характери ҳеч бир миллат вакилида тўлалигича акс этмайди.

Тарихдан маълумки, ўз миллати шаънини кадрлаш, уни ҳимоя қилиш ҳар бир инсон учун бурч, унинг инсонийлик фазилати бўлиб қолмоғи лозим. Ҳар бир миллатнинг шаъни, унинг миллий хусусиятлари асрлар мобайнида шаклланиб келади. Миллат шаъни ҳам кўп жиҳатдан миллий характернинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ифодалайди.

Миллат шаъни, унинг келиб чиқиши тўғрисида кўплаб олимлар ўз фикрларини илгари суриб келганлар. Атоқли олимларимиздан Иброҳим Каримов миллат шаъни тўғрисида гапириб шундай дейди «Шаън ўз-ўзини ва муаян умумиллийлик (ижтимоий гуруҳ, синф, жамият, миллат ва х.к)га мансублигини англаб етган ҳамда ўша умумийлик манфаатларини миллий ғоя ва мафкура орқали илғаб олиб, уни ҳамма жойда, ҳар қандай вазиятда ҳимоя қилиш учун кураш жараёнида шахсда шаклланадиган нодир ички ҳис туйғу, руҳий ҳолат ва инсоний фазилат бўлиб, мазкур шахс яшаб турган жамоа, жамиятнинг унга берадиган баҳосини белгиловчи ва идивид кадр-камматини ифода этувчи фалсафий тушунчадир» [2]. Кишилик жамияти тарихи шуни сиботлаб берадики, қандай даврда, қайси минтақада, қайси жамиятда бўлишдан қаътий назар ўзида шундай фазилатларни номоён эта оладиган шахслар кўп бўлса, жамиятнинг ўзи бундай шахсларнинг фаолиятидан манфаатдор бўлса, уларнинг фаолиятлари тўғри боҳолана олса, шу вақтдагина мана шу миллатнинг шаъни юқори бўлади. Ҳар бир миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топиб олишда миллат шаънини юксалтира оладиган фазилатли инсонлар катта роль ўйнайди.

Миллат шаъни тўғрисида гапирганда, миллат равнақи, унинг келажаги учун катта хизмат қиладиган бошқа сўзлар ҳам мавжуддир.

Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган барча миллат вакиллари Ватанимиз равнақи йўлида фидоий инсонлар сифатида вояга етказиб боришда миллатлараро тотувликнинг, миллийликни, миллий онг, миллий ғурур сингари омиллар катта роль ўйнайди.

Кўп миллатли халқларда миллий масала алоҳида ўрин тутади, чунки ҳеч бир миллат ўз миллий хусусиятларини, миллий минталететини йўқотишни хоҳламайди, ўзини миллий кадриятларини авайлаб-асрашга интилади. Уларни ўз вақтида ижобий ҳал этилиши миллатлараро тотувликни таъминлаб беришнинг замини бўлиб хизмат қилади.

Миллий масаланинг асосини миллий зулм ва зўравонликнинг тугатилиши, турли миллатлар ўртасида тенг ҳуқуқли муносабатларни ўрнатилиши, уларнинг эркин, ҳар тарафлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берилишини ташкил этади.

Кўп миллатли мамлакатларда турли миллат вакиллари сони қанчалик бўлишидан қаятий назар, мана шу миллатга хос бўлган хусусиятлар ҳурмат қилинса, уланинг сақланиб қолиши таъминланса, бу ушбу мамлакат ҳудудидаги тинчлик ва барқарорликни таъминланишига олиб келади.

“XIX аср бошларида деб ёзади И.Кон, - немисларни амалий фаолиятга лаёқатсиз, фақат фалсафага, мусиқа ва назмга мойил бўлган, техникани ўрганишга уқувсиз, кам ҳаракат халқ, деб ҳисоблашган (бу фикрга уларнинг ўзлари ҳам қўшилишган). Германияда саноат тўнтарилиши бўлиши билан, бу стереотип тушунча ишончсиз анахронизмга айланиб қолди” [4].

Лекин бундан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар миллий характернинг барча хислатларини ўзгартириб юборади, деб хулоса қилмаслик керак. Унинг айрим хислатлари нисбатан барқарор бўлиб, янги ижтимоий шароитларда ҳам ўз ворислигини йўқотмайди улар. Кейинги авлодларга ўтиши, аждодларнинг моддий ва маънавий меросини ўзлаштириб олишлиги учун хизмат қилади. Тарих-авлодларнинг бирини ўрнига иккинчисининг келишидан иборатдир. Уларнинг ҳар бири аввалги авлодлар қолдирган барча материалларидан, бойликларидан, ишлаб чиқарувчи кучлардан фойдаланади.

Натижада авлодлараро ворислик пайдо бўлади. Миллий хусусиятлар умуминсоний кадриятлар билан боғланиб кетган.

Миллий характер умумбашарий хусусиятларга зид бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни бошқа миллат ва элатлар характеридан ажратиб қўйиши ёки карама-қарши қўйиш мумкин эмас. Ҳар бир халқ - бошқа халқ билан яқин ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларга киришганда ундан ўзида йўқ нарсаларни олади ва ўзидан ҳам уларда бўлмаган нарсаларни беради.

Лекин бошқа халқлардан олинган бу характер хислатлари, миллат вакиллари томонидан ўзлаштирилганда, айнан, ўзгаришсиз кўчирма олмай, ўзига хос миллий ифодани олади.

Асрлар мобайнида шаклланиб, халқимизнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг миллий табиатини ажралмас қисмига айланиб қолган фазилатлар мустақиллик арафасида ва мустақиллигимизнинг илк йилларида ўз аҳамияти қандай эканлигини исботлаб берди. Ўзбеклар доимо ўз атрофида яшаб келаётган миллат ва элатлар вакилларига нисбатан дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик, яхши қўшничилик муносабатларида бўлиб келганлар. Бу халқ ўзига хос бўлган махр-оқибат туйғуларини сақлаб қола олганлиги унинг ўзига хос бўлган олижаноб хусусияти ҳисобланади. Ваҳоланки мустақилликка эришган айрим республикаларда мустақиллик шарофати олдида довдираб, ўз атрофларида яшаётган, яқиндагина қардошмиз, деб юрган миллат вакилларига ҳурматсизлик билан қараш юз берганлиги сир эмас. Ўзбекистонда бундай ҳол юз бермаганлиги халқимизнинг юксак маънавиятини кўрсатади.

Миллий масалани ҳал этиш жараёнида йўл қўйилган хатоликлар ва камчиликлар миллатлараро муносабатларни чигаллаштириш билан бирга уни халқаро масалага айланишига олиб келади. Миллатларни ўз тақдирини ўз белгилаш ҳуқуқий ҳал этилиши миллатлараро муносабатларни ҳал қилишининг умумэтироф этилган тамойилларидан ҳисобланади. Бу бошқа миллатлар билан муносабат шаклини танлашни, шунингдек, сиёсий,

ижтимоий, маънавий-маърифий масалаларни ҳал этилиши имконларини кенгайтириб беради [5].

Озод ва обод Ватан яратишни, жамият ҳаётини янада эркинлаштиришни асосий мақсад қилиб олган миллий мафкурамизда, мана шу бош ғояни амалга оширишда миллатлараро тотувликни таъминлаб беришнинг аҳамияти катта деб таъкидлаб ўтилади. Шу билан бирга миллатчилик ҳамда шовинизм сингари ёвуз, бузғунчи ғоялар жамият ҳаётига асосий таҳдидлардан, деб таъкидланади. Бундай ёвуз, бузғунчи ғоялар қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигини, улардан сақланиш зарурлигини жамиятнинг ҳар бир аъзоси доимо ҳис қилиб туриши лозим.

Юқоридагиларни мухтасар қилиб хулоса қилиш мумкинки, миллий ўзликни англаш, миллий характер ва миллий онгни юксалтириш реал ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, психологик, маданий-маърифий асосларда шахс онгида қарор топади ва у ирода билан боғланиб, амалий ҳаракат тусига киради. Зеро, миллий ўзлигини англаган шахслар ҳозирги тарихий шароитда мамлакат ҳаётининг барча соҳаларидаги салоҳиятини кўтариш заруриятини англаб, етади. Ўз миллатининг ҳақиқий тарихини англаган, тарихий хотирага эга бўлган кишиларда миллий ўзликни англаш, миллий характер ва миллат шаънини ҳимоя қилиш майли кучли бўлади. Мустақиллик йилларида бу йўлда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилиб, собиқ шўролар шароитида миллий онгни хиралаштириш қабоҳатларини тугатиш чоралари кўрилди. Миллатлар мавжуд экан миллий характер ҳам мавжуд бўлаверади. Миллий характерни ривожлантиришга эътибор бермаган миллатнинг ўзи йўқ. Миллий характер миллат билан чамбарчас боғлиқлиги учун ҳам у миллат равнақи билан баробар тараққий этиб бораверади.

Адабиётлар:

1. Мерлин В.С. Структура личности. Характер, способности, самосознание. – Перм, 1990.

2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т.: 1994
3. Кон И.С. Этническая психология под. ред. И.И. Егоровой «Речь» Санкт- Петербург 2003. - 123 стр.
4. Кон И.С. Этническая психология под. ред. И.И. Егоровой «Речь» Санкт- Петербург 2003. – 98 с.
5. Шайхова Х. Назаров Қ. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. Т., 1992. – 132 бет.